Faoliyat

# ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТ ВА РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартномавий муносабатларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу қонунчиликда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Фуқаролик Кодексида шартномавий муносабатларга кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, шартномавий муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда хўжалик шартномаси тушунчаси, уларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари, хўжалик шартномаси субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уни бузганлик учун жавобгарлик масалалари аниқ белгилаб берилган. Бироқ айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартномавий муносабатларга совуққонлик билан қараши натижасида шартнома мажбуриятлари қўпол равишда бузилиб, ўз вақтида бажарилмаслик ҳолатлари аниқланмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври давомида Тошкент шаҳар адлия бошқармасига шартнома мажбуриятлари тарафлар томонидан ўз вақтида бажарилмаганлиги натижасида вужудга келган тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлари ёки шартномада кўрсатилган маҳсулотни ундириб беришни сўраб хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва тадбиркорлар томонидан 25 та ариза-шикоятлар келиб тушди.

Мазкур ариза ва шикоятлар юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини кўзлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судига 922.238.863 сўмлик даъво аризалари киритилди. Ушбу киритилган даъво аризалар хўжалик судида батафсил кўриб чиқилиб, 607.969.245 сўм миқдоридаги дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан тадбиркорлар билан тузилган шартномалар мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаслиги ва тадбиркорлар ҳуқуқи бузилаётганлиги ҳолатлари ҳам учраб турибди. Хусусан, Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор О.Отабоевнинг "TOZA- SHAROB" шўъба корхонаси билан тузилган шартнома мажбуриятлари ушбу корхона томонидан бажарилмаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида жорий йилнинг 17 январида хусусий тадбиркор О. Отабоев жавобгар — "TOZA- SHAROB" шўъба корхонаси билан жами 20.000.000 сўм миқдордаги ҳар хил турдаги спиртли ичимликлар сотиб олиш тўғрисида шартнома тузгани ва 2002 йилнинг 21 февралида мазкур шартноманинг 2.2.1-бандига мувофиқ "TOZA-SHAROB" шўъба корхонаси ҳисоб рақамига 2.980.000 сўм миқдоридаги олдиндан тўлов амалга оширилгани аниқланди.

Шартноманинг 2.1.1-бандида сотувчи ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан сўнг 3 кун ичида маҳсулотни сотиб олувчига етказиб бериши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, жавобгар — "TOZA-SHAROB" шўъба корхонаси томонидан хусусий тадбиркор О. Отабоевга етказиб берилиши лозим бўлган 2.980.000 сўмлик маҳсулот ўз вақтида ҳеч бир асоссиз равишда етказиб берилмаган.

Адлия бошқармаси томонидан "TOZA-SHAROB" шўъба корхонасидан хусусий тадбиркор О.Отабоев фойдасига 2.980.000 сўмлик асосий қарз маҳсулот етказиб бермаганлик учун 1.281.400 сўмлик устама — жами 4.261.400 сўмлик қарзни ундириш юзасидан шу йилнинг 21 май куни Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Шаҳар судига даъво ариза киритилгандан сўнг, жавобгар — "TOZA-SHAROB" шўъба корхонаси томонидан ихтиёрий равишда хусусий тадбиркор О. Отабоевга 85-сонли ҳисоб варақаси орқали 2.980.000 сўмлик спиртли ичимликлар етказиб берилган.

Шўъба корхонаси раҳбари Р.Алимовнинг шартномавий муносабатларга совуққонлик билан қараганлиги натижасида хусусий тадбиркор О. Отабоев 3 ойдан кўпроқ вақт давомида бир неча марта Хоразмдан Тошкентга келиб, "TOZA-SHAROB" шўъба корхонасидан маҳсулот ололмасдан, овора бўлган. Адлия бошқармасининг аралашуви билан тадбиркор О. Отабоевнинг ҳуқуқи тикланди.

Бошқарма томонидан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Н. Қундузхоновнинг "Моторзаводи" очиқ акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома мажбуриятлари умуман бажарилмаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди.

Мазкур ариза ўрганиб чиқилганда шу йилнинг 19 апрел куни хусусий тадбиркор Н. Қундузхонов билан "Моторзаводи" очиқ акциядорлик жамияти ўртасида шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартномага асосан хусусий тадбиркор Н.Қундузхоновга "Моторзаводи" ОАЖ 4.300.000 сўм тўлаши лозим бўлган. Шартномада уч банк иш куни ичида "Моторзаводи" ОАЖ томонидан тўлов тўлиқ амалга оширилиши кўрсатилган бўлса-да, орадан 2 ойдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан тўлов амалга оширилмаган.

Адлия бошқармаси томонидан "Моторзаводи" ОАЖ ҳисобидан хусусий тадбиркор Н.Қундузхонов фойдасига асосий қарз ва устама билан 5.366.400 сўм ундириш юзасидан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Шаҳар судига даъво ариза киритилгандан кейин жавобгар - "Мотор заводи" очиқ акциядорлик жамияти томонидан ихтиёрий равишда хусусий тадбиркор Н.Қундузхоновга қарз маблағи тўлиқ қопланганлиги сабабли суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим қабул қилган.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида адлия бошқармаси шаҳар хўжалик суди судялари, Тошкент давлат юридик институти ўқутувчилари билан ҳамкорликда мулк шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи хизмат ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан барча туманларда семинар машғулотлари ўтказилиб борилмоқда. Бундай тадбирларда шартномани қандай тузиш, унинг мажбуриятлари сингари масалалар муҳокама этилиб, тингловчиларга амалий йўл-йўриқлар берилмоқда. Шунингдек, шартнома шартларини бажаришда раҳбарлар зиммасига тушадиган масъулият ҳам семинар машғулотларнинг доимий мавзуси ҳисобланади. Умуман олганда, бундан мақсад корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш, шартнома мажбуриятлари ижросини таъминлашдан иборат.

**Зафар ОЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Ajab savdolar

# ҚИММАТГА ТУШГАН САБЗИ-ПИЁЗ

Чортоқ туманидаги "Ҳабибулло" фермер хўжалиги аъзолари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, сабзи-пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирган эди. Ҳосил кўзлангандан ҳам мўл-кўл бўлди. Етиштирилган ҳосилнинг бир қисми 2000 йилнинг 18 январ кунида тузилган 123-сонли контрактация шартномаси бўйича тумандаги "Давлат таъминоти" савдо фирмасига топширилди. Фермер хўжалигининг 3-сонли юк хати билан 841 килограмм сабзи, 4-сонли юк хати билан эса 2000 килограмм пиёз ўз вақтида буюрмачига етказиб берилди. Топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи 125230 сўм деб белгиланди.

Йил бошида имзоланган 123-сонли контрактация шартномасининг 4,2 бандига асосан топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пули 3-5 иш куни ичида фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига келиб тушиши лозим эди. Бироқ бундай бўлмади. Пул ўтказиш асоссиз равишда кечиктириб юборилди. "Давлат таъминоти" савдо фирмаси 13 декабр кунига келиб ниҳоят 125230 сўмни "Ҳабибулло" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига ўтказиб берди.

"Кеч бўлса-да қарз тўланди. Ҳаммаси ўрни ўрнига тушди". Савдо ташкилотининг раҳбар ходимлари хотиржамликка берилишди. Бироқ улар бу гал адашган эди.

Гап шундаки, "Ҳабибулло" фермер хўжалигининг аъзолари "Давлат таъминоти" савдо фирмаси вакилларини вилоят хўжалик судига келиб ўртадаги ҳисоб-китобни қонуний йўл билан ҳал этишга таклиф этишди.

Жавобгар вакил судда бевосита иштирок этиши, йўл қўйилган хато ва камчиликларга ўз муносабатини билдириши мумкин эди.

Бироқ қандайдир номаълум сабабларга кўра жавобгар вакил суд мажлисида иштирок этмади. Шу боис Хўжалик Процессуал Кодексининг 130-моддасига асосан суд ишини жавобгар вакил иштирокисиз кўришга қарор қилди.

Вилоят хўжалик судининг судьяси Ш. Хасанов раислигида бўлиб ўтган суд жараёнида ҳақиқатдан ҳам "Давлат таъминоти" савдо фирмаси 123-контрактация шартнома шартларига амал этилмаганлиги аниқланди. Шу боис суд даъвогарнинг аризасини тўлиқ қаноатлантирди. Чортоқ туманидаги "Давлат таъминоти" савдо фирмаси ўз вақтида шартнома шартларига амал қилмаганлиги учун 37090 сўм устама, 18784 сўм жарима, 1500 сўм суд харажатларини тўлашга мажбур бўлди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# САРАТОНДА ЁҚҚАН ДЎЛ...

## СИНГАРИ ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР БЕКОР БЎЛДИ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТИКЛАНДИ

Давр билан тенг қадам ташлашга ўрганган яхши-да. Бировдан орқада қолмайсан. Бўзлик тадбиркор Умаржон Исроилов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Замон талабидан келиб чиқиб, фермер бўлди. Бўз тумани ҳокимининг 1999 йил 30 октябрдаги 338 сонли қарори билан "Янги турмуш" ширкат хўжалиги ҳудудидан 159-161 контурдаги 26,9 гектар ер майдонини 25 йил муддатга ижарага олди, "Қундузхон" фермер хўжалигини тузди.

Деҳқон боласи эмасми, шартномада кўзда тутилган ҳосилни топшириб, фермерликни биринчи йилидаёқ эл олдида юзи ёруғ бўлди. 2000 йилнинг кузида яна ўзига тегишли бўлган ернинг 13 гектарини экишга тайёрлаб, 4 тонна 200 килограмм буғдой уруғини сотиб олиб, яхши ният билан ерга қадади.

Яхши ният яхши-да, қолаверса, буғдой кўпчиликнинг ризқи. Лекин агротехника тадбирларини вақтида ўтказиб, буғдой ниҳолларини меҳр билан парваришлаётган фермер хўжалиги аъзолари олдинда уларни нималар кутаётганлигини ҳали билишмасди.

Кутилмаганда, саратонда ёққан дўлдек, 2001 йил 17 январ куни Бўз туман ҳокимининг 26-к сонли қарори чиқди. Унда фермер хўжалигини тугатиш ҳақида қатъий ҳукм чиқарилган эди. Кейин маълум бўлишича, Умаржоннинг фермер хўжалиги аъзоси бўлмаган онасига ариза ёздиришган экан. Фермер хўжалиги томонидан расмийлаштирилган йиғилиш қарорини ҳам ҳокимлик ходимларининг ўзлари имзолаб юборишган. Хўжалик ҳисобчиси Б. Султонов ҳам ўзи қатнашмаган йиғилиш қарорини тайёр ҳолда кўрсатишганда, муҳр билан тасдиқлаб берган. Мана қонунни билмасликнинг оқибати.

Шундай қилиб аслида ўтказилмаган таъсисчилар йиғилишининг сохта баёни ва қарори **"Фермер хўжаликлари тўғрисида"**ги қонуннинг 33-моддаси талабига зид равишда асос қилиб олинди. Шунингдек, қонунда туман ҳокимлигидаги "Фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларни тугатиш бўйича ишчи гуруҳи" комиссияси аъзоларининг ёзма хулосаси фермер хўжалигини тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга асос бўлишлиги кўрсатилган бўлса-да, ҳокимлик бундай хулосани ҳам олмаган. Бу ишдан комиссия раиси Бахтиёржон Абдуллаев ҳам, комиссия аъзолари ҳам бутунлай бехабар қолган.

Ана шундай сохтакорлик билан қабул қилинган қарор асосида фермер хўжалиги тугатилгач, фермер ўз қўли билан эккан 13,1 гектар ердаги буғдойини ўзи йиғиштириб ололмади. Бир сўз билан айтганда, қилган меҳнатига ҳам, сарфлаган харажатига ҳам куйиб қолди.

Ҳосилни ўроқда йўқ, машоқда йўқ "Янги турмуш" ширкат хўжалиги йиғиштириб олди. Қонунни менсимаслик туфайли мулк эгаси бўлган фермернинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинди.

Фермер хўжалиги раҳбари Умаржон Исроиловнинг аризаси асосида Андижон вилоят адлия бошқармаси ўтказган текширишда бу ҳолатлар тўла ўз тасдиғини топди ва вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Вилоят хўжалик судининг судьяси Илҳомжон Долимов чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, Бўз туман ҳокимининг 2001 йил 17 январидаги 26-к сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. "Янги турмуш" ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Қундузхон" фермер хўжалигига тегишли бўлган 159-161 контурдаги 26,9 гектар ер фермерга қайтариб бериладиган бўлди. Энди жавобгар ширкат хўжалигидан фермер хўжалиги фойдасига 3 миллион 756 минг сўм моддий зарар ҳам ундирилади.

Шунингдек, Бўз тумани ҳокимлиги ушбу низо келиб чиқишига сабабчи бўлганлиги учун 114 минг 570 сўм давлат божи тўлайдиган бўлди.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# ТАЪМАГИРЛИК ЖИНОЯТДИР

Кўча-куйда, тўю-маъракаларда қулоғимизга ҳақ бериш деган сўз чалинади. Хўш, қай бир юмушимизни битириб бергани учун кимгадир ҳақ беришимиз, яъни зиёфат қилишимиз ёки совға-салом беришимиз шартми? Йўқ, албатта. Лекин кўп ҳолларда мана шундай воқеаларга дуч келамиз.

Масалан, ўз-ўзини бошқариш идораларига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилинганида, ижтимоий-таъминот бўлимига пенсияга чиқиш ҳақида ариза берилганида, нотариал идорада транспорт воситасини расмийлаштирилганида, ФХДЁ идораларида келин-куёвларни никоҳдан ўтказиш ёки чақалоқнинг туғилиш гувоҳномасини олиш мақсадидаги мурожаатларга айрим ҳолларда масъул ходимлар томонидан таъмагирлик қилиш ҳолларига дуч келамиз.

Таъмагирлик эса, жиноятдир. Жиноят Кодексининг 214-моддасида бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, яъни давлат идораси, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига "ҳақ бериш"ни ёки мулкий йўсиндаги манфаатни талаб қилиши, шунингдек, шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш, юқоридаги модданинг 1-қисмидаги жиноятни келтириб чиқариб, энг кам иш ҳақининг 50 барваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазолашга сабаб бўлади.

Агарда шу қилмиш: **1)** такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, **2)** кўп миқдорда содир этилган бўлса — 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолашга асос бўлади.

Кўриб турганингиздек, ҳақ беришни талаб қилиш ҳам жиноят бўлиб, фуқаролар билан мулоқотларда, хизмат юзасидан бўладиган муаммоларда ниҳоятда эҳтиёткорликни, аниқроғи, товламачилик йўлига ўтиб олиб халқни алдашни йиғиштириб қўйишни тақозо қилади. Шунда жиноят ботқоғидан узоқ бўласиз...

МУЛОҚОТ

**Савол беринг!**

***Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.***

*Ҳурматли таҳририят!*

*Газетанинг шу йил 3 сентябр куни чоп этилган 35-сонида мени қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берганларингиз учун миннатдорчилик билдираман. Жавобда баён этилган маслаҳатлар сервис хизмати ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тўғрисидаги лойиҳамни амалга оширишда асқотиши шубҳасиз. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун мамлакатимиздаги нуфузли банклардан бири бўлган "Алоқабанк"ни танладим. Бироқ лойиҳани тайёрлашда айрим саволлар туғилдики, уларни газетага йўллашга аҳд қилдим.*

*Улар қуйидагилардан иборат.*

*1. Мен режалаштирган лойиҳани "Алоқабанк" ўз маблағи ҳисобидан амалга ошириши мумкинми?*

*2. "Алоқабанк"нинг узоқ муддатли стратегиясида кредит маблағлари реал секторга йўналтирилганми? Яъни сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 10 йил муддатга йўналтирган маблағи борми, бор бўлса, ушбу маблағнинг фоизи ва имтиёзли даври қанча бўлиши мумкин?*

*3. Тижорат банклари маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 5 йилгача бўлган муддатга кредит берилиши Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартда 907-рақами билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби"да кўрсатиб ўтилган. Айтингчи, мен амалга оширмоқчи бўлган кредитланаётган тадбирнинг қоплаш муддати 5 йил бўлса, сўралаётган кредит учун фоиз ва имтиёзли давр муддати қанча бўлиши мумкин?*

*4. Марказий банкнинг методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори Ҳайдар Нурмуродовнинг изоҳлашича, ўз фаолияти аҳоли ва корхоналарга транспорт хизматини кўрсатишдан иборат эканини ҳисобга олиб, мен раҳбарлик қилаётган фирма тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитни 3 йилгача бўлган муддатга олиш мумкин экан.*

*Агар кредитланаётган тадбирнинг қоплаш муддати 3 йил бўлса, сўралаётган кредит учун фоиз ва имтиёзли давр муддати қанча бўлиши мумкин?*

**Тўлқин ТЕМИРОВ,**
**Сурхондарё вилоятидаги**
**"КВАРЦ" хусусий фирмаси раҳбари**

Ушбу саволларга АТБ "Алоқабанк"нинг банк фаолиятини стратегик ривожлантириш ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Исломов қуйидагича жавоб берди:

1. "Алоқабанк"нинг ички меъёрий ҳужжатларида кредитга бўлган талаб авваламбор иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган, маҳаллий хомашё негизида экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк ёхуд банк филиалининг ресурс имкониятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу боис бу масалада "Алоқабанк"нинг Термиз шаҳридаги филиалига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

2. "Алоқабанк"нинг узоқ муддатли кредит стратегиясида кредит портфелини шакллантириш билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларни тўғри баҳолаш ҳамда хорижий молия институтлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни бошлашдан олдин уларнинг экспертиза муассасаларида экспертизадан ўтказилишига ва инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник иқтисодий асослаш ҳамда таваккалчиликларнинг мақбуллигини баҳолаган ҳолда қайтаришлилик, муддатлилик ва ўзини-ўзи қоплаш шартларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

3. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартда рўйхатга олинган 907-сонли "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби"-га мувофиқ кичик ва ўрта бизнес субъектларига инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун бериладиган кредитлар, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин. Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича имтиёзли даврни белгилаш банклар ихтиёрига берилган.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

4. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29 февралда рўйхатга олинган 903-сонли "Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби"га мувофиқ тижорат банклари сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 3 йилгача бўлган муддатга кредит бериладиган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида кредитлар бериши мумкин. Микрокредит мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.



*Мозий манзаралари*

Intilganga tole` yor

# БОЙСУНЛИК БАСИР БАЛИҚЧИ

Бойсунлик Басир Жўраев дастлаб ганчкорлик касбини танлаган эди. Бу касбни бинойидек эгаллади ҳам. Замон ўзгаргач, Басир ўзини тадбиркорликка урди. Бир-икки марта Россия томонларга пиёз олиб бориб сотди. Бирида ютди, иккинчисида ютқазди... Балиқ сотишга ружу қўйди. Бу борада ҳам унчалик омади юришмади. Бир кун озроқ фойда кўрса, эртасига бозори касод бўлди.

Ана шундай кунларнинг бирида Басирнинг хаёлига «балиқ олди-сотдиси билан овора бўлгунча ўзим балиқ етиштирсам-чи», деган ўй келди. Бундан қувониб, дарҳол ишга киришди. Очиғи, тоғли туманда тўғри келган жойда балиқчилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Басир "Дарбанд" ширкат хўжалиги ҳудудидан Қумсой дарёсининг ўзанини кўз остига олди. Атрофи баланд тепаликлар билан ўралган Қумсойда сизама сувлар оқади. Басир ана шу сизама сувларни тўсиб табиий кўл ясаш ва балиқчиликка ихтисослаштирилган "Қумсой" фермер хўжалигини тузишга аҳд қилди.

Шу тариқа Басирнинг ҳаловати бузилди. Икки ой «югур-югур» билан аранг керакли ҳужжатларни тўғрилади. Кўл атрофидан 20 гектарлик ташландиқ ер ажратиб олди. Унинг фақат 3 гектаринигина суғориш мумкин эди, холос. Шундай бўлса-да, Басир ишга астойдил киришди.

Дастлаб қаерлардандир бульдозер ёллаб, иккита табиий кўл тайёрлади. Сойдаги харсангтошлар билан ўралган жойга тупроқ торттириб, сойга дамба ташлади. Сув тўсилган жойнинг ўртасига махсус қувурлар ётқизиб, унга сувни хоҳлаган пайтда боғлайдиган, хоҳлаган пайтда оқизадиган мурватлар ўрнатди. Кўлда сув йиғилгач, унга Сирдарёдан 20 минг дона балиқ уруғини олиб келди. Баҳорда бошлаган иши ёзда тугади. Кузнинг охирларида кўл сувида қамишзор пайдо бўлди. Бу балиқ уруғининг етилишига қулайлик яратди.

Кўп ўтмай, кузги экин-тикин мавсуми бошланди. Кўл атрофидаги бўш ерларни ҳайдаш, келгуси йил учун ғалла экиш тараддудига тушган Басир трактор топса ёнилғи тополмади, уруғ топса ёрдамчи тополмади. Бироқ матонат барибир ғолиб чиқди. Басир ҳамма ишнинг уддасидан чиқди.

Иш билан бўлиб, кунларнинг ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Шу зайлда баҳор сеп ёйди. Ғалла ва кўлдаги ўтларни баравар ўстириш учун минерал ўғит сепиш лозим эди. Ўғитга эса маблағ йўқ. Бу ёқда балиқларнинг олди 400 граммча тош босиб қолди. Энди уларни ёз бошлангунча омухта ем билан озиқлантириб туриш зарур. Бунинг учун эса пул керак...

Шунда таниш-билишлар "кредит олиш керак" деб маслаҳат беришди. Фермер умрида банкнинг эшигидан кирмаган эди. Иши тушгандан кейин кирар экан. Бироқ кредит олиш осон деб ўйлагани ҳам хомхаёл экан. Дастлаб унинг ҳужжатини тайёрлаш керак дейишди. Бир оғайниси ёрдамида ҳужжатларни ҳам тахлади. Бироқ шундан кейин ҳам имтиёзли кредит ололмади. Кимга учрашса, "Жуда тўғри иш қилибсиз, сиздай фермерларни қўллаб-қувватлаш керак", деган қуруқ гапни эшитди, холос. Шу тарзда икки ой бекор кетди. Фермернинг имтиёзли кредит олиш нияти пучга чиқди.

Лекин бу дунёда яхши инсонлар кўп экан. Орадан кўп ўтмай Басирнинг хайрли ишларини қўллаб-қувватлашни ният қилган ҳомийлар топилди. Уларнинг аралашуви билан фермер банкдан бир йиллик муддат билан 33 фоизли бир миллион сўмлик кредит олишга эришди. Унинг бир қисмига омухта ем олиб келиб, балиқларни озиқлантирди. Бир қисмини эса туманда янгидан ташкил қилинаётган минерал ўғитлар савдоси билан шуғулланувчи савдо дўконига ўтказди. Ўғитга келганда яна бир ғавғо дуч келди. Ярим миллион сўмни савдо дўкони ҳисобига ўтказган фермер "эрта келинг, индин келинг, ҳали фонд ажратилмаган" каби ваъдаларга кўмилиб кетди. Ниҳоят бу муаммо ҳам ечимини топди.

Ғаллани минерал ўғитлар билан озиқлантириб, суғориб ҳам олди. Сув ўтларини озуқа сифатида кўпайтириш учун ҳам оз-оздан сувга ўғит ташлаб турди.

Баҳорнинг сўнгги кунларида бирдан кучли ёмғир ёғиб, Қумсойдан сел келди. Сел юқори кўлнинг бир ёнини ювиб, балиқларни пастки кўлга оқизиб тушди. Хайриятки, иккинчи кўлнинг дамбаси мустаҳкам экан. Басир яна икки ой уриниб, янги кўл ясади ва балиқларнинг бир қисмини унга ташлади. Шундан сўнг фермернинг ишлари яна жойига тушди. Бу йилги мавсумда 10 тонна ғалла етиштирди. Фермер хўжалиги қошида товуқчилик фермаси ташкил этди.

Ҳозирги пайтда кўлдаги балиқлар анча етилиб қолган. Фермер яқин кунларда ҳамюртлари дастурхонига зоғора, оқ амур, қизил карп, сўдак каби балиқ гўштини тортиқ этишни мўлжаллаб турибди.

— Оғир куннинг яхши кунлари ҳам бўлар экан, — дейди Басир Жўраев, — кўлга бир қоп кепакни сепганича. — Кўлда балиқлар сузаётганини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Машаққатли меҳнатимнинг натижасини кўриб қувонаман.

Айни шу кунларда бойсунлик Басир балиқчи ер ҳайдаш билан овора. Чунки тез кунда кузги ғаллани экиб олиши керак. Бу келгуси йилда балиқлар учун тўйимли озуқа бўлади. Улкан ниятлар йўлида астойдил меҳнат қилаётган тадбиркор ҳақидаги қисқача ҳикоямиз ана шундан иборат. У кимларгадир ибрат бўлса, ажаб эмас.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mulohaza, muammo, taklif

# РЎЙХАТДАН ТАШҚАРИДАГИ "БОЗОР"

Самарқанд нафақат бебаҳо осори-атиқа-ю, нодир меъморчилик ёдгорликлари, балки бозорларидаги сархил мева-чева, зираворлик, қандолатпазлик, нон маҳсулотлари билан ҳам етти иқлимга маълум ва машҳур гўша саналади. Азим шаҳар бозорлари одамларни асрлар давомида қанддек ширин ўрик, майиз, қандолат ва нон маҳсулотлари билан ўзига мафтун этиб келгани илмий ва тарихий манбаларда жуда кўп учрайди.

Айтиш жоизки, Самарқанд шаҳри, айниқса, сўнгги йилларда янада чирой очмоқда. Йўллар равонлашиб, катта ҳажмда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари бажарилаётир. Шаҳар бозорларидаги ўзгаришлар, замонавий қурилишлар юрт чиройига чирой қўшаяпти.

Шуни таъкидлаш лозимки, Самарқанднинг хуштаъм, таъриф-тавсифини келтиришга қалам ожиз бўлган нонлари сотиладиган бозор расталарини кезсангиз, инсон меҳнати, табиат мўъжизасига қойил қоласиз. Сайёҳлар, хорижликларнинг Самарқанд нонларини кўриб, ҳайратга тушишини кузатсангиз, беихтиёр юрагингиз тўлқинланиб, шу юрт фарзанди эканингиздан фахрланиб кетасиз. Ҳа, Самарқанд нонининг довруғи қанчадан-қанча ривоятларга сабаб бўлгани бежиз эмас.

Инсон табиати шундай: у ҳар куни бир манзарани кўравериб, унга кўникиб кетади. Гўё шундай бўлиши кераг-у, бошқача бўлиши мумкин эмасдай. Шу боис унинг четдан қараган кишигагина ярашиқсиз туюладиган манзарани ҳис қилиши қийин кечади. Муддаога кўчадиган бўлсак, Самарқанднинг узоқ лагер мавзесидан ўтган Жума автомобил йўли Каттақўрғонга олиб боради. Йўл шу ердан "Катта ўзбек тракти"га туташиб, Бухоро ва Хоразм томонларга йўналади. Шу йўналиш бўйича Самарқанд шаҳри ҳудудидан чиқишда йўлнинг ўнг томонида ўн беш-йигирма чоғли ёш-яланг, ўспирин-у хотин-халажнинг нон сотиш учун йўл четида турганига гувоҳ бўласиз. Улар келиб тўхтаган ҳар бир автоуловга ўз нонларини "ўтказиш" учун ёпирилишади. Бунинг устига йўлнинг нариги томонига ҳам бирор автоулов келиб тўхтаса, нон кўтарганларнинг барчаси ўша томонга югуришади. Бу эса йўл транспорт ҳаракати қатновига халал беради. Бундай шароитда кўнгилсиз ҳодиса юз бермаслигига ким кафолат бера олади?

— Бирор кор-ҳол бўлмаса эди, деб жонимиз ҳалак, — дейди исми-шарифини ёзмаслигимизни илтимос қилган 60 ёшлардаги киши. — Бир жойда ўтириб, нон савдоси билан шуғулланишга имконият йўқлигидан шундай бўляпти. Ҳар ким харидор олдига тезроқ чиқиб, маҳсулотини сотиб, савдоси юришишини ўйлайди. Хуллас, уларни тартибга чақирадиган одам йўқ. Бу ҳолдан баъзан уялиб кетасан киши.

Суҳбатимиз тугамасдан бир "Дамас" русумли автоулов келиб, юришини бироз секинлатди. Олти-етти чоғли нон кўтарган ёш-яланг унга ўзларини уришди. Машинадагилар нон олишни исташмади, шекилли, ҳайдовчи тезликни ошириб, тўхтамай ўтиб кетди. Бояги ёшлар машина ортидан ҳуштак чалиб қолишди.

Узоқ лагер мавзесидан тез-тез ўтиб турадиган аксарият йўловчилар ўзлари ўтирган автоуловнинг шу ерда тўхтамасдан кетишини хоҳлашади. Негаки, нон сотувчилар келиб тўхтаган ҳар бир автоуловда ўтирганларга дарича орқали нонни узатишиб, олишни таклиф этишади. Нонни бирининг устидан иккинчиси узатиши оқибатида автоулов салонида ўтирган одамларнинг уст-бошига уни суркаб олишади. Тўғри, нон азиз, унинг ушоғини ҳам авайлашимиз лозим. Бироқ новвойлар тандирдан узилган маҳалда нон юзига ёғ суркашади. Натижада нонннинг сифатли кўриниши ва харидоргирлигини таъминловчи ёғ йўловчиларнинг уст-бошига тегиб, кўнгиллари хижил бўлишига олиб келаётир.

Айтиш жоизки, аслида бундай манзаранинг олдини олиш кўп меҳнат ва харажат талаб қилмайди. Бунинг учун бирор тадбиркорга ер ажратиб бериш ҳамда тузилаётган шартномада нон савдоси растасини йўлга қўйишни кўрсатиш керак, холос. Самарқанд шаҳри бозорлари мутасаддиларининг мазкур муаммони қайсидир йўл билан ечишни ўйлаш вақти аллақачон етган. Тўғри, узоқ лагер мавзеси бозор шартларига тўла жавоб бера олмаслиги мумкин. Бироқ ярашиқсиз манзарага барҳам бермаслик ҳам мумкин эмас-ку? Ахир, ҳар қандай турдаги савдо-сотиқнинг ўз талаблари бор. Яъни санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, муомала маданияти, транспорт ҳаракат хавфсизлигига халал бермаслик...

Ўйлаймизки, мутасадди идоралар ушбу таклифимизни эътиборсиз қолдиришмайди ва "ҳисобдан ташқари бозор"лар фаолиятини қайтадан кўриб чиқадилар.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy ma`rifat

# ҲАҚИҚАТ ТАМОЙИЛИ

## У ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТАДИ?

***(Биринчи мақола)***

Жамият ижтимоий ҳаётида суд ҳокимияти азал-азалдан фуқароларнинг ўзаро муносабатларида вужудга келадиган моддий ва жисмоний асосдаги зиддиятларни ҳал этиш ҳодисаси сифатида фаолият кўрсатиб келган.

Қадимги Вавилон, Рим империяси ва Афина полисларининг фуқаролари ўзларининг моддий, яъни мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари, шахснинг ҳаёти, соғлиғига зарар етказувчи ҳаракатлар юзасидан хусусий асосда судда айблов қўзғатиш, айбланувчининг айбини исбот қилиб берган тақдирда, унинг жазога тортилишига эришиши мумкин эди. Инсоният тарихидаги дастлабки судлов юритув шакли тўла хусусий айблов юритувида асосан жабрланган шахснинг ташаббуси билан амалга оширилган.

Даврлар ўтиши ҳамда инсоният ҳуқуқий тафаккурининг ўсиб бориши натижасида фуқаролар билан фуқаролар, шунингдек, фуқаролар билан ҳуқуқни ўрнатувчи давлат ўртасида вужудга келадиган процессуал-ҳуқуқий муносабатлардаги зиддиятлар муайян шаклда амалга оширилувчи судлов юритувида ҳал этилган.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, суд жамиятда муайян ҳолатда вужудга келадиган муносабатларда икки муҳим вазифани бажариб келган. **Биринчидан**, ижтимоий муносабат субъектлари ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни қатъий ҳуқуқий тартибга тизимланган ҳолда мухокама қилиш, яъни ижтимоий келишмовчиликлар қурол ёрдамида ёки шахснинг ҳокимияти чекланмаган иродаси асосида эмас, балки айнан мана шундай ғайриҳуқуқий ва ғайриинсоний ҳаракатларни чекловчи, маданий-ҳуқуқий институционал шаклда муҳокама қилинишини англатади. **Иккинчидан** эса, бевосита биринчи аниқловнинг давоми бўлиб, у суднинг тарафлар ўртасидаги келишмовчиликни муҳокама қилиш натижасида қабул қиладиган акти ҳисобланади. Бу – ишни суд муҳокамасида ҳал этиш, яъни ўз нуқтаи назарига кўра, бир-бирига қарама-қарши бўлган тарафларнинг муносабатларида ҳақиқатни ўрнатиш ҳолати билан боғлиқ.

Худди шу аниқлашлар суднинг жамиятдаги ўрни ва унга бўлган эҳтиёжни белгиловчи бирламчи мезонлардир.

Ҳуқуқшунос олим Е.Мизулинанинг ёзишича, қадимги Рим ҳуқуқининг жаҳоншумул аҳамиятини "ҳақиқат" ва "адолат" каби ижтимоий категорияларнинг суд юритуви маконига жуда асосли жойлаштирилганлигида кўриш мумкин. Res judicata proveritate habetur, яъни суд ҳукми ҳақиқат деб ҳисобланади.

Бироқ ҳақиқат фақат суднинг бир тўхтамга келиб қабул қилган қарорини англатмай, балки, энг аввало, қарорнинг айнан суд муҳокамаси орқали қабул қилиниши тушунчасини ифода этади.

Демак, ҳақиқат – суд фаолияти ҳақидаги "қуруқ" тушунчани эмас, балки бу фаолият ҳақиқатни аниқлаш ва адолатни ўрнатишнинг ижтимоий тизимланган воситаси эканлигини англатади.

Шундай экан, ҳақиқатнинг суд муҳокамаси орқали ўрнатилиши, шубҳасиз, юридик ҳақиқат категориясининг жамиятдаги ижтимоий ўрни ва аҳамиятини белгиланишига пойдевор бўлди. Зотан, фалсафий категория саналган – "ҳақиқат" рационал тарзда англаш мумкин бўлмаган мавҳум тушунчадир.

Қайд этилган тушунчалар асосида жиноят процессининг моҳиятини аниқлашдан олдин жиноят процессининг уч муҳим хусусиятини тушуниб олиш зарур. Булар қуйидагилардир:

1. жиноят процесси доимо бир-бирига манфаатлари зид иштирокчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатидан ташкил топади;

2. ушбу зиддиятнинг асосий сабаби доимо муайян субъектнинг (хусусий айблов юритувчи шахс, давлатнинг ваколатли идоралари ёки мансабдор шахс) бошқа субъектга нисбатан уни жиноий жавобгарликка тортиш даъвосининг мавжудлиги ташкил этади;

3. жиноят-судлов юритуви иш бўйича ҳақиқатни (адолатни) ўрнатувчи институционал восита сифатида мавжуд бўлади.

Жиноят процессининг мана шу хусусиятлар билан боғлиқ элементларини бир тизимга жамлайдиган бўлсак, ундан қуйидаги структуравий шакл юзага келади. Яъни жиноий қилмишнинг юз бериши (бунда жиноят қонунида эътироф этилган меъёрларга зид ҳаракат назарда тутилмоқда), унинг натижасида ҳуқуқий манфаатлари бузилган шахсга ёхуд жамиятдаги барқарорлик ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини ҳимоя этиш функциясини амалга оширувчи давлатга, ўзининг ваколатли идоралари орқали хатти-ҳаракатни содир этган шахсга нисбатан унинг жазога тортилишини даъво қилиш ҳуқуқини беради.

Ушбу "даъво" оқибатида процессуал-ҳуқуқий муносабатга жалб этилган жавобгарнинг фаолиятини икки нуқтада талқин этиш мумкин. **Биринчиси,** инсоннинг биопсихологик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, инсон табиатдан рационал таффакурга эга эканлиги туфайли доимо ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларининг имкон қадар поймол этилмаслиги, камситилмаслиги ва чекланмаслигини истайди.

**Иккинчиси** эса, субъектив ҳолат билан боғлиқ, яъни ишнинг тақдирини ҳал этувчи суднинг иш бўйича қарорни – бевосита тарафларнинг тақдим этган далилларини англаш асосида – интроспектив, яъни субъектив усулни қўллаш натижасида қабул қилиши, ўз-ўзидан "даъво" қилувчи билан бирга, ҳодисани бевосита иштирокчи – жавобгарнинг (судланувчининг) ҳам иш нуқтаи назарини аниқланишини талаб этади.

Мана шу икки ҳолат айбланувчини жиноят-процессуал муносабатнинг объекти тарзида эмас, балки субъекти сифатида эътироф этилиши учун мантиқий асос ҳисобланади.

Демак, икки бир-бирига қарши манфаатни, мақсадни ифода этувчи фаолият йўналишига эга субъектларнинг бир натижага, яъни айбланувчининг айбли ёки айбсизлиги масаласида юритаётган баҳслари юзасидан ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилишга қаратиши, суднинг амалга оширадиган фаолиятнинг ўзида имманент тарзда, яъни суд фаолиятидаги мазмуннинг ўз ичида тортишувни адолатли ҳал этиш тушунчаси мавжуддир.

Шундай экан, жиноят процессининг жамиятдаги ўрни, унинг ижтимоий функцияси ҳам, жиноят процессида айнан қарама-қарши манфаат ва мақсадга эга субъектларнинг ҳуқуқий баҳсларини суд томонидан ҳал этилиши ва бу фаолиятларнинг натижасида иш бўйича адолатнинг ўрнатилишини таъминловчи ҳуқуқий восита бўлиш билан ифодаланади.

Жиноят процессининг моҳияти адолатни ўрнатиш тушунчасидан иборат экан, жиноят процессининг мазмун (субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар) ва шакли, яъни жиноят-процессидаги функциявий муносабатларни тартиблаш модели ҳам бевосита ана шу моҳиятга ҳамоҳанг бўлмоғи даркор.

Аммо "адолат" категориясининг ўзи бир мунча мавҳум тушунчадир. Адолат ижтимоий, ахлоқий-ҳуқуқий категория бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий неъматларнинг адолатли тақсимланишини англатади. Жиноят-судлов юритувида адолат тушунчаси умумий тарзда икки ҳолатда англаниши мумкин: а) жиноят содир этган шахсни жавобгарлик ва жазога тортиш ва бунинг акси; б) айбсиз шахсни жавобгарликка тортмаслик.

Ушбу аниқлов асосида Жиноят-процессуал Кодексини таҳлил этадиган бўлсак, жиноят процесси эътироф этадиган моҳиятга оид тушунчани икки узвий қисмга ажратиш мумкин. **Биринчиси**, жиноят процессининг умумижтимоий моҳияти. Бунга оид тушунчани ЖПКнинг 2-моддасида кўриш мумкин.

Унга кўра, Жиноят-процессуал қонуннинг вазифалари "...жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмасликдан" иборат.

Айнан мана шу аниқлов жиноят процессининг умумий ва ягона хоссасини, яъни моҳиятини ифода этади ҳамда жиноят процессининг юқорида таъкидланган ижтимоий функцияси ҳақидаги тушунчаларига мос келади.

Қонун чиқарувчи ҳам жиноят процессининг вазифаси ва мақсади сифатида иш бўйича айбсиз бирон-бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги, айбдорни жазосиз қолдирмасликни эътироф этади. Шу билан бирга, ЖПКнинг 25-моддасида таъкидланганидек, қонун чиқарувчининг жиноят процессини ташкил этишида тарафларнинг тортишуви асос вазифасини бажаради.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**тадқиқотчи**

# ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ НИМА?

Суд-психиатрик экспертизасининг хулосасида шахснинг руҳий ҳолати таҳлили ҳамда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишининг хусусияти асосида ушбу шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қайси турида даволанишга муҳтожлиги кўрсатилади. Лекин ушбу кўрсатма суд учун мажбурий эмас (ЖПК 187-моддаси 2-қисми). Суд ушбу кўрсатма билан бир қаторда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, келиб чиққан оқибатларнинг хусусияти, жабрланганларнинг сони, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтидаги ҳаракат усулини ҳисобга олган ҳолда беморни қайси турдаги руҳий касалхонга юбориш шартлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига қараб, руҳий касалларга Жиноят Кодексининг 93-моддасига асосан қуйидаги турдаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиш мумкин: мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассиси ёрдамида даволаниш; умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш; умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш; кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассиси ёрдамида даволаниш чорасини руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек, руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин (ЖК 94-моддаси 1-қисми). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиноят Кодексининг 94-моддаси 1-қисмига ақли расо ҳолатда жиноят содир этган, лекин алкоголизм, заҳарвандлик ва наркоманиядан даволанишга муҳтож шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассиси ёрдамида даволаниш тури тайинланиши мумкинлигини белгилаб қўйиш лозим.

Мажбурий даволанишни руҳий шифохонада ўташи шартлиги суд-психиатрия экспертизаси хулосасида кўрсатилади. Бундай кўрсатма хулосада кўрсатилмаган тақдирда, суд ушбу шахсни даволашни ҳамда ўзи ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассиси ёрдамида даволаниш орқали таъминлаш мумкин деган фикрда мажбурий даволашнинг бу турини қўллайди.

Оддий ҳолларда амбулатория шароитидаги руҳий ёрдам беморнинг илтимоси ёки розилигига асосланиб кўрсатилиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун эса ҳамма вақт асос бўлиб суд ажрими ҳисобланади.

Мажбурий врач кузатуви — бу шахснинг яшаш жойидаги руҳий даволаш муассасаларида назоратда туришидир. Амалиётда шуни кўриш мумкинки, суд томонидан мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволанишга юборилган кўплаб беморлар ўзлари рўйхатга олинган манзилида яшашмайди. Бу эса табиий равишда улар устидан назоратнинг йўқ бўлишига олиб келади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашда нафақат шахснинг соғлиғи, балки унинг доимий яшаш жойи, яқин қариндошлари, энг муҳими, беморга ёрдам кўрсатишни хоҳловчилар ва унинг диспансерга қатнашишини назорат қилиб турувчилар бор-йўқлиги ҳисобга олиниши зарур. Бундай мажбурий даволаш турини ижро қилиниши устидан назорат қилиш учун нафақат диспансер, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари жумладан, ҳудуд нозири ҳам жалб этилиши лозим деб унинг руҳий ҳолати бузилиши ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинлиги билан боғлиқ асослар мавжуд бўлса, иккинчидан, беморга руҳий касалхона шароитидан ташқари ҳолларда даволаш, кузатув ҳамда қаровни амалга ошириб бўлмаслигидир.

Албатта, умумий тартибдаги руҳий касалликлар шифохонаси оддий руҳий шифохона саналади. Ушбу шифохонада беморга махсус мажбурлов чораларисиз эркин ҳолда даволанишга йўл қўйиш керак.

Руҳий касалликлар шифохонаси яна махсус турдаги бўлимга эга бўлади. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволанишга юборилган шахслар умумий асослар бўйича келган бошқа беморлар билан бирга даволанади. Махсус турдаги бўлимда эса ижтимоий хавфлилиги юқорироқ бўлган, руҳий ҳолати кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий беморлар мажбурий даволаниши шарт. (ЖК 93-м. 3-қисми).

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мунтазам кузатув остида бўлиши шарт бўлган, руҳий ҳолати ва содир қилган қилмишининг хусусияти бўйича жамият учун ўта хавф туғдирадиган, ўз хулқига кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишнинг имкони бўлмаган руҳий беморлар жойлаштирилади. Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади (ЖК 94-моддаси 4-қисми).

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланилиши қонунчиликда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун давлатнинг жавоб реакцияси ҳамда махсус идоралар томонидан руҳий беморларнинг шахсий озодлигини чеклаш деб талқин этилади. Айнан шунинг учун мажбурий даволаш чораларини қўллаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш қилиш ҳуқуқи суд ваколатига киради. Бошқа ҳеч бир давлат идораси бундай ҳуқуққа эга эмас. Фақат суд муҳокамасидан сўнг чиқарилган суд ажримига асосан шахс мажбурий даволанишга жалб қилиниши, бундай даволанишдан сўнг давлат муассасасидан чиқарилиши ёки бир турдаги руҳий шифохонадан бошқа турдагисига ўтказилиши, шунингдек, мажбурий амбулатор кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволанишга юборилиши мумкин.

Агар суд жиноят ишини кўриш вақтида ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг зарур турини тайинламаса ёхуд бундай чораларни шахс соғайганлиги ёки касаллик хусусиятининг ўзгаргани натижасида бекор қилса, қариндошлари ёки васийларга ушбу шахсни топшириши мумкин. Бундай ҳолларда врач кузатуви шарт бўлса-да, бу чора мажбурий ҳисобланмайди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга. Чунки у ўзида шахс ҳуқуқларини ифода этган.

**Ифтихор АВАЗОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Куз манзаралари*

Sinmagan haqiqat

# АДОЛАТНИНГ УЗОҚ САФАРИ

**СУД ОЧЕРКИ**

***(Охири. Боши ўтган сонда.)***

1999 йил 28 апрел куни "Хуррият" газетасида журналист Даврон Ориповнинг "Эгилган ҳақиқат" сарлавҳали мақоласи чоп этилади. Мақолада Б.Аҳадовнинг жиноий ишига доир далиллар журналист томонидан атрофлича ўрганилиб, тегишли ҳужжатлардан парчалар келтирилиб мулоҳазалар билдирилган. Шундан сўнг орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, газетанинг 28 апрел сонида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Э. Жўраевнинг қуйидаги жавоб хати эълон қилинди: "...Олий суд судлов ҳайъатининг 1998 йил 4 майдаги ажрими билан ҳукмнинг Б.Аҳадовга нисбатан белгиланган ЖКнинг 210-241 моддаси, 2-қисми бўйича ҳаракати 207-модданинг 1-қисмига қайта малакаланиб, унга аҳлоқ тузатиш жазоси тайинланиб, амнистия тўғрисидаги фармонга асосан жазони ўташдан озод қилинган.

Республика прокуратураси судлов ҳайъатининг ажрими билан келишмай, суд қарорини бекор қилиш ва жиноят ишини терговс қилиш учун қўшимча терговга юбориш ҳақида протест келтирган. Олий суд раёсатида 1998 йил 25 декабрда кўрилиб, протест қаноатлантирилган. Мақолада баён этилган масалалар жиноят ишини қўшимча тергов қилиш даврида текширилади".

Қўшимча тергов қайта судлов билан якун топди. Қайта суд 26 июлдан 11 августга қадар Сариосиё туманида ўтказилиб, мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ўрнига уларни янада чалкаштириб юборди. Яқиндагина жазодан озод этилган Б.Аҳадов мақоладан сўнг 7 йилга озодликдан маҳрум этилиб, амнистиялар ва қамоқда ўтирган муддатлари ҳисобга олиниб, 2 йил-у 8 ойга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Мўмин ака Аҳадов бу суд мажлисида ўз фарзандининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ўзи адвокат бўлди. Унинг суд ҳукмидан норози бўлиб ёзган кассацион аризасига кўра, Олий суд бу ишни кассация тартибида кўриб чиқиб 1999 йил 5 ноябрда бу адолатсиз ҳукмни бекор қилиб, ишни қўшимча терговга қайтарди. Энг муҳими, Олий суд судья билан терговчига нисбатан "хусусий ажрим" чиқарди.

Аммо жиноий ишлар бўйича Сурхондарё вилоят судининг собиқ раҳбарлари бу сафарги ажримдан ҳам тўғри хулоса чиқаришга уринмади. Хуллас, яна юзаки тергов ўтказилиб, иш учинчи марта судга юборилди.

Вилоятдаги айрим судьяларнинг адолатсизлигидан юраги зада бўлган Аҳадовлар оиласи судья Бобокелдиевга раддия билдиришди. Лекин суд уларнинг раддиясини асоссиз деб рад қилди ва судга жавоб беришдан бош тортган Б.Аҳадовни 2000 йил 25 августдаги ҳукми билан 5 йилга озодликдан маҳрум этди. Амнистиялар ва Б. Аҳадовнинг қамоққа ўтирган муддатлари ҳисобга олиниб, уни қамоқдан озод қилиш ҳақида қарор чиқарди. Яна адолат бироз тиклангандай эди. Қамоқдан озод бўлган, қайта-қайта судланган Б.Аҳадов тавбасига таянса бўлар эди. Лекин унинг барча азоб-уқубатларига шерик бўлиб, адвокатлик қилаётган Мўмин ака Аҳадовнинг орияти, ғурури, қатъиятлилиги бунга йўл бермади. У адолатни охиригача тиклашга қарор қилди.

Суд ҳукмида кўрсатилган муддатда М. Аҳадов Олий Судга кассация шикояти ёзди. Бу сафар ана шу кассация шикоятининг улар учун ёпиқ найранглари бошланди. Аҳадовнинг кассация тартибида ёзган шикоят хати "иш"дан осмонга учдими, ерга кириб кетдими, ишқилиб, "йўқолиб" қолди. Мақсад — белгиланган муддатининг ўтиши, ишга нима бўлса ҳам халақит беришдан иборат эди. Кассация шикоятининг можароси 2000 йилнинг 7 сентябр кунидан 2001 йилнинг 1 октябригача давом этди. Мўмин ака Аҳадов шикоятининг йўқолиши билан боғлиқ ўз шикоятларни юқори идораларга бир неча марта ёзиб юборди. Ниҳоят, Қашқадарё вилоят суди бу ишни 2001 йил 31 октябрда кўриб чиқиб, ҳукмни бекор қилди, ишни кўриш учун Сурхондарё вилоят судига тақдим этди.

Сурхондарё вилоятида бу жиноят ишини кўриб чиқиш учун тўрт маротаба уриниш бўлди. Бироқ Б.Аҳадов ва унинг ҳимоячилари сабот билан жиноят ишини бошқа вилоят суди кўришини талаб қилиб, судларга раддия бердилар. Уларнинг талаби бекор кетмади. Олий суд чўзилиб кетган бу жиноят ишини кўриб чиқиш учун Фарғона вилояти жиноий судлов судига тақдим этди... ва ниҳоят, жиноят ишининг очилганига 5 йил тўлганда Бедил Аҳадовнинг иши Фарғона вилоят судида кўриладиган бўлди.

Ниҳоят, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судья А. Алиқулов раислигида ўтган суд мажлисида 2002 йил 18- апрелда чиқарилган ҳукм билан Бедил Аҳадовга қўйилган барча айблар бекор қилинди.

Бироқ, Фарғона вилоят прокурори бу ҳукмдан норози бўлиб протест келтирди. Шундан сўнг жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят апеляция инстанцияси суди судья К. Аматохунов раислигида жиноят ишини яна қайта кўриб чиқди ва ҳукмни ўз кучида қолдириб, прокурор келтирган протестни рад этди.

Шу тариқа 5 йил давом этган машаққатли кураш адолатли қарор топди. Бу ҳақиқатнинг ҳеч қачон синмаслигининг исботи бўлиши билан бирга бир қанча оғриқли ва табиий саволларни келтириб чиқаради. Гап шундаки, мамлакатимиз қонунчилик ва суд тизими ислоҳотлари жадал суръатда давом этаётган бир паллада бу каби нохуш воқеаларнинг учраши афсусланарлидир. Зеро, адолатнинг қарор топиши нақ 5 йилга чўзилди. Бу вақтда Б. Аҳадов ва унинг қариндош-уруғлари бошидан қанчадан-қанча кулфатлар ўтмаган дейсиз... Қолаверса, бунинг айбдори ким, нега бу воқеа содир бўлди, судлар нега бундай иш тутди, туҳматчи ва бошқа айбдорларга қандай жазо қўлланилди каби кўпдан-кўп саволларга ҳам жавоб бериш лозим. Мазкур воқеа ана шундай, жиҳатлари билан эътиборга молик. Зеро, қонун устуворлиги барқарор мамлакатимизда ҳар бир ҳолат ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланмоғи зарур. Ана шундагина инсон эркинлиги ва шаъни тўлиқ таъминланади.

**Холиқ ХУРСАНДОВ,**
**журналист**

Jahon tajribasi

# ҲИНДИСТОН: АДВОКАТЛИК АКТИ

Ҳиндистонда адвокатура тизими 1961 йилда қабул қилинган адвокатлик Акти асосида фаолият юритади. Мамлакат қонунчилигида ушбу актга мувофиқ иш кўрувчи ҳар қандай шахс адвокат ҳисобланади. Улар Ҳиндистон адвокатлар кенгаши ва ҳудудларда фаолият кўрсатувчи адвокатлар кенгашига аъзо бўлишлари мумкин.

Ҳиндистонда штатлараро адвокатлар кенгашлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳудуд хусусиятларини эътиборга олган ҳолда алоҳида ном билан аталади. Уларнинг ҳар бири ўз раиси ва раис ўринбосарига эга.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши эса Ҳиндистон бош ҳуқуқшуноси, бош адвокати, ҳар бир штат адвокатлар кенгашидан сайланган аъзолардан иборат.

Штатлар адвокатлар кенгашидан Ҳиндистон адвокатлар кенгаши аъзолигига сайланган адвокат ушбу лавозимда икки йил мобайнида фаолият юритади.

Адвокатлар кенгаши корпоратив ташкилот сифатида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу турли кўринишдаги мол-мулк сотиб олиш ва унга эгалик қилиш имконини беради.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши адвокатлар учун қонун-қоидалар, касбий йўриқномалар, хулқ-одоб меъёрларини ишлаб чиқиш, адвокатларнинг ҳуқуқ, имтиёз ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчилик ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш, штатлар адвокатлар кенгашлари фаолиятини назорат қилиш, ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, адвокатлар тайёрловчи университетларнинг фаолиятини ташкиллаштириш, "Адвокатлик акт" асосида адвокатлик касбига эга бўлиш учун ҳуқуқ соҳасида Ҳиндистондан ташқарида олинган билимни ўзаролик асосида тан олиш, адвокатлар кенгаши жамғармасини кенгайтириш ишларини олиб бориш, кенгаш аъзоларини сайлаш ишларини таъминлаш каби кўпдан-кўп вазифаларни амалга оширади.

Ҳиндистон адвокатлар уюшмаси Халқаро адвокатлар уюшмаси каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва унга ўз молиявий улушини қўшиши ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги халқаро семинар ва анжуманларда иштирок этиши мумкин.

Энди штат адвокатлар кенгашига сайланган аъзоларнинг фаолиятига тўхталадиган бўлсак, улар сайлов натижалари чоп этилгандан бошлаб 5 йил муддатга сайланишади.

Штат адвокатлар кенгаши ўз фаолиятини белгиланган муддатдан аввал тўхтатган ҳолда Ҳиндистон адвокатлар кенгаши штат адвокатлар кенгаши етакчи аъзоси раис бўлган таркибда махсус қўмита тузади. Унинг аъзолигига Ҳиндистон адвокатлар кенгаши тавсиясига биноан икки аъзо киритилади.

Мазкур қўмита штат адвокатлар кенгаши ташкил этилгунга қадар унга тегишли бўлган взифаларни бажариб туради. Шунингдек, штат адвокатлар кенгаши бир ёки бир нечта интизомий қўмиталар тузиши мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бири уч нафар аъзога эга бўлади.

Адвокатлар ҳуқуқий маслаҳат қўмиталари ташкил этиш ҳуқуқига ҳам эга. Бундай қўмита уларнинг ҳар бири камида 5 ва кўпи билан 9 нафардан ошмаган аъзоларга эга бўлиши, бундан ташқари, штат адвокатлар кенгаши доимий равишда фаолият юритаётган кенгаш аъзолари орасидан сайланган ва 5 нафар аъзодан иборат бўлган ижроия ва кенгаш аъзолари томонидан сайланадиган қабул қўмиталарини ташкил этади.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши ташкил этадиган доимий қўмиталар:

— кенгаш аъзолари орасидан сайланган ва 9 нафар аъзодан иборат бўлган ижроия ҳамда 10 нафар аъзодан иборат бўлган ҳуқуқий таълим қўмитасидан иборат. Ҳуқуқий таълим қўмитасининг 5 нафар аъзоси кенгаш томонидан кенгаш билан ҳамкорлик қилувчи, аммо унинг аъзоси бўлмаган шахслардир.

Қонунчиликда штат адвокатлар кенгаши ва Ҳиндистон адвокатлар кенгаши адвокатлик актида белгиланган масалаларни амалга ошириш мақсадида ўз аъзоларидан иборат бўлган бошқа қўмиталарни ҳам тузиши мумкинлиги кўрсатилган.

Адвокатлар кенгашига сайланган аъзо кенгашнинг навбатма-навбат келувчи 3 та йиғилишида асосланган сабабларсиз қатнашмаса, унинг номи муайян сабабга кўра адвокатлар уюшмасидан чиқарилган бўлса ёки у Ҳиндистон адвокатлар кенгашининг бирор қоидасига асосан ўз касбига нолойиқ деб топилса, ўз вазифасидан озод этилган деб ҳисобланади.

Адвокатлар кенгаши адвокатлар актида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда қоидалар қабул қилиши мумкин. Уларда яширин овоз бериш йўли билан адвокатлар кенгаши аъзоларини сайлаш, сайловларда почта орқали ҳам овоз беришни ташкил этиш адвокатлар кенгаши раиси ва раис ўринбосарини сайлаш, кенгаш аъзоларининг бўш ўринларини тўлдириш ва бошқа масалалалар кўриб чиқилади.

Ҳиндистонда адвокатлар катта адвокатлар ва бошқа адвокатлар деб аталувчи икки тоифага бўлинади. Мамлакат Олий ва юқори судлари ҳуқуқ соҳасида катта тажрибага эга деб билган махсус илм соҳиби бўлган адвокатларга катта адвокат даражаси берилади.



Олий судда иш бошловчи адвокат бирор штат адвокатлари рўйхатидан ўтмаган ҳолда, ушбу лавозимга тасдиқланишидан аввал белгиланган вақт орасида, Ҳиндистон адвокатлар кенгашига ўзини штат адвокатлар кенгаши рўйхатига киритишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Шундай ёзма мурожаатни қабул қилган Ҳиндистон адвокатлар кенгаши адвокатни рўйхатга тўловсиз киритиш тўғрисида штат адвокатлар кенгашига кўрсатма беради.

Штат адвокатлар кенгаши томонидан кенгаш рўйхатига киритилган ҳар бир адвокатга сертификат берилади. Штат кенгаши рўйхатига киритилган адвокат ўз яшаш жойини ўзгартирадиган бўлса, у бу ҳақда 90 кун ичида штат адвокатлар кенгашига хабар бериши лозим.

Адвокат сифатида штат адвокатлар рўйхатига киритилувчи шахс Ҳиндистон фуқароси бўлиши лозим. Бошқа мамлакатнинг фуқароси мамлакатда ҳуқуқшунос сифатида ишлашга рухсат берилган бўлсагина адвокат сифатида штат рўйхатига киритилиши мумкин. Шунингдек, Адвокатлар рўйхатига киритилувчи шахс яна 21 ёшга тўлган бўлиб, ҳуқуқшунос даражасини эгаллаши шарт. Шунингдек, у Ҳиндистон адвокатлар кенгаши томонидан тан олинган университетлардан бирида ҳуқуқшунослик курсини тугатган бўлиши керак.

Адвокатлик касби билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳужжатлари штат адвокатлар кенгашининг рўйхатга олиш қўмитасида кўриб чиқилади. Ушбу қўмита томонидан адвокатликка номзоднинг ҳужжатлари қабул қилиш учун рад этилган ҳолда, штат адвокатлар кенгаши бошқа штатлар адвокатлари кенгашларига ушбу шахс тўғрисидаги рад этилиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тарқатади. Штат адвокатлар кенгаши вафот этган адвокатлар ҳамда рўйхатдан чиқариш учун ариза билан мурожаат қилган адвокатларни ўз рўйхатидан чиқаради. Штат адвокатлари рўйхатига киритилган ҳар бир адвокат Адвокатлик акти ҳаракати доирасида ҳамма судлар, шу жумладан, Олий судда; ҳамма трибунал, шу жумладан, гувоҳлик бериш учун қонуний ҳуққа эга бўлган шахслар олдида, ҳар қандай бошқа идора ва шахслар олдида фаолият кўрсатиши мумкин.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши ўз навбатида бирор адвокат устидан қилинган шикоят юзасидан ўз қўмитасида иш олиб боради ва унга нисбатан тегишли қарор қабул қилади. Штат адвокатлар кенгаши интизом қўмитаси ёки штат бош адвокати қароридан норози бўлган ҳар қандай шахс қарор чиққандан бошлаб 60 кун ичида Ҳиндистон адвокатлар кенгашига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши интизом қўмитаси бу мурожаатни кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

Мазкур актда Ҳиндистон адвокатлар кенгашининг исталган вақтда ва исталган иш юзасидан штат адвокатлар кенгаши ва унинг қўмиталари фаолиятига тегишли ишни кўриб чиқиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳиндистон адвокатлар кенгаши ёки унинг қўмиталари мазкур актга мувофиқ топширилган ишни 60 кун ичида қайта кўриб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари Ҳиндистон адвокатлар кенгаши мазкур актга мувофиқ қоидалар ишлаб чиқиш ҳуқуқига ҳам эга. Уларда қуйидагилар ўз ифодасини топиши мумкин:

— адвокатнинг штат адвокатлар кенгашини сайлашга киритилиши шарт-шароитлари;

— адвокатлар кенгашига аъзо бўлиш учун зарур бўлган маълумотлар тўғрисида;

— адвокатларнинг бир штат рўйхатидан бошқа жойда қайд этилмаслиги;

— адвокатлар ўртасида даража юқорилигини белгилаш;

— университетлардаги ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таҳсил олиш учун талаб этиладиган билим;

— адвокат сифатида рўйхатга киритилувчи адвокатларнинг даража ва тоифалари;

— адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга берилувчи ҳуқуқ шарт-шароитлари;

— адвокатнинг бир штат рўйхатидан иккинчисига ўтиш тартиби;

— адвокатлар риоя қилиш лозим бўлган касбий хулқ меъёрлари;

— Ҳиндистон университетларида ҳуқуқ бўйича таълим стандартларига риоя қилиш ва уларни назорат қилиш;

— Ҳиндистон фуқаролари томонидан ҳуқуқ бўйича чет элларда олинган билимни бу актга асосан адвокат сифатида фаолият бошлаш учун тан олиниши тўғрисида ва бошқалар.

Ҳиндистон ҳукумати адвокатлик борасида қоидалар ишлаб чиқиб, уларда адвокатлар кенгаши аъзолигига сайланиш ва аъзоликдан чиқариш, адвокатлар кенгашининг штатлар адвокатлар кенгаши фаолияти устидан назорат олиб бориши ва у томондан қабул қилинган қарорларни амалга тадбиқ этилиши, адвокатлик рўйхатига киритилган шахсларнинг даража ва тоифалари, адвокатлар ўртасида даража юқорилигини белгилаш тартиби ва бу актда кўрсатилган бошқа масалалар ҳам ўрин олиши мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқилган ҳар қандай қоида тасдиқ учун Ҳиндистон парламентининг икки палатасига ҳам тақдим этилиши лозим.

**Илҳом УБАЙДУЛЛАЕВ**

Biz bilgan va bilmagan tarix

# БАХТИҚАРО УЧ ОҒА-ИНИ

Ўзининг эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир жамиятда энг аввало, инсон ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси энг олий қадрият деб қаралган. Аммо куни кеча халқимиз бошидан кечирган мустабид шўро тузумига назар ташласак, бунинг батамом аксини кўрамиз. Ҳолбуки, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Нега деганда, шўро тузуми мазмун-моҳияти билан зулм, зўравонликка асосланган, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати сариқ чақачалик қадрланмагани ҳеч кимга сир эмас.

Шўро тузуми даврида биргина қатлиом баҳонасида неча юз минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаёти хазон бўлганини бугун ҳаммамиз биламиз.

Бугун истиқлол шарофати билан жамиятимизда тарихий адолат тикланган, шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилаётган экан, яна бир ҳақиқат аён бўлдики, қатағон тегирмонига нафақат оқ-қорани таниган зиёлилар, балки оддий деҳқон, косиб, ҳунармандлар ҳам тортилган.

Қуйида мустабид тузум даврида қатағон гирдобига тортилган уч оға-ининининг фожеали қисмати ҳақида ҳикоя қиламиз.

2001 йил бошлари эди. Мен мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси сифатида ўрганган "жиноий ишлар"дан бири, айниқса, жон-у жаҳонимни ларзага солди. Гап шундаки, бу "жиноий иш" бўйича уч оға-ини — оддий деҳқонлар қатағон гирдобига тортилган, уларнинг бўйнига бир-биридан оғир айбу бўҳтонлар қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Президиумининг 1992 йил 28 феврал қарорида қайд этилишича, 1941 йил 10 октябрида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "Агроном" жамоа хўжалигида истиқомат қилган қуйидаги фуқаролар устидан ҳукм чиқарилган:

1. Ҳошим Ашуров, 1878 йилда Янгийўл туманининг Зангиота қишлоғида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Камбағал деҳқон фарзанди. Партиясиз. Муқаддам судланмаган. Қатағон гирдобига тортилганга қадар "Агроном" колхози аъзоси бўлган.

2. Соип Ашуров, 1880 йилда Янгийўл туманининг Зангиота қишлоғида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Партиясиз. "Агроном" колхози аъзоси бўлган.

3. Қосим Ашуров, 1884 йилда Янгийўл туманининг Зангиота қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Камбағал деҳқон фарзанди. Ҳибсга олингунга қадар "Агроном" колхози аъзоси бўлган;

Бу маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, қатағон гирдобига тортилган уч оға-ини ўзининг қора меҳнати ортидан кун кўриб юрган оддий деҳқон бўлишган. Улар ўз ҳаёти давомида айтишга арзигулик бирор-бир айбга қўл уришмаган. Аммо улар мустабид тузум даврида оғир жазоларга мустаҳиқ этилган. Тўнғич Ҳошим Ашуров отувга ҳукм этилиб, мол-мулки мусодара этилган. Укаси Соип Ашуров 10 йил қамоқ жазоси, шу билан бирга сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинган.

Оға-иниларнинг кенжаси — 1884 йилда таваллуд топган Қосим Ашуров ҳам ана шундай оғир жазога гирифтор бўлган.

Албатта, бу ҳақда фикр юритганда, шундай табиий савол туғилади: ҳатто имзо қўйишни ҳам билмаган, тўрт-беш нафар фарзанднинг отаси бўлган, ёши ҳам бир жойга бориб қолган бу оға-инилар қайси гуноҳлари учун бундай жазога лойиқ кўрилди?

Ўша машъум даврда юритилган жиноят ишида қайд этилишича, оға-ини Ҳошим ва Соип Ашуровлар гўё 1918 йилда сўл эсерлар партиясига аъзо бўлган эмиш. Бунинг устига улар ВКП аъзоси бўлган Н. Йўлдошхонов деган кимсага гўё суиқасд қилиш учун ташланишган. Шунингдек, 1919 йилда Тошкент шаҳрида Осипов қўзғолони бўлган чоғда улар Сартепа қишлоғида қўзғолонни қувватлаган намойишда қатнашган эмиш...

Бундан ташқари, уларнинг бўйнига яна 1941 йилнинг 22 июни куни Халқ Комиссарлар Совети раиси В. Молотовнинг фашист Германиясининг СССРга бостириб кириши ҳақида радиодан нутқ сўзлаган чоғида бу оға-инилар колхозчилар орасида мағлубиятга доир гап-сўзлар юритган, деган айб ҳам қўйилган.

Албатта уч оға-ини бу асоссиз айбларни тан олишмаган. Чунки улар 1918 йилда ҳеч қандай партияга аъзо бўлмаган. ВКП (б) аъзоси бўлган И. Йўлдошхонов воқеасидан мутлақо бехабар эканликларини айтишган. Ўша пайтда Сартепада бўлиб ўтган митингда ҳам иштирок этишмаган. Энг қизиғи шундаки, улар Тошкентда Осипов қўзғолони бўлиб ўтганини асло эшитишмаган. Шу билан бирга улар жамоа хўжалиги аъзоларини жамоадан чиқишга даъват этишмаган. Лекин уларнинг ўзларини оқлаб айтган фикрлари мутлақо инобатга олинмаган. Чунки мустабид тузум даврида қатағон гирдобига тортилган ҳар бир кишининг тақдири олдиндан ҳал этиб қўйилган.

Фақат Ватанимиз мустақилликка эришгач, бу каби жиноий ишларга адолат нуқтаи назаридан баҳо берилди. Ҳақиқат қарор топди. Жумладан, уч оға-ини Ашуровларнинг устидан 1941 йил 10 сентябрда чиқарилган ҳукм ҳам жиноят аломати бўлмаганлиги сабабли бекор қилинди.

Албатта, адолат қарор топгани киши кўнглига таскин беради. Лекин ўшанда уч оға-инидан бири отилган бўлса, қолган иккисининг тақдири қандай кечди?! Уларнинг ортида қолган фарзандларининг қисмати-чи?!

Ҳолбуки, оға-ини Ашуровларнинг Тўхта, Унсин, Туроб, Турсун, Гулсум, Қосим, Мамашарип, Эргаш, Тожибой, Ойжамол, Гулжамол, Йўлдош, Хуржамол деган фарзандлари бўлган.

Албатта, ўша оғир йиллар, оталарининг шум тақдирлари улар юрагида ўчмас доғ бўлиб қолган. Лекин истиқлол йилларида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, «Қатағон қурбонлари хотираси музейи»ни ташкил этилиши ҳам уларнинг куйган кўнгилларига малҳам бўлди, дейишимиз мумкин. Ушбу мақоламиз чоп этилгач, уч оға-ининининг фарзандлари, набиралари ёки таниш-билиш, қариндош уруғлар таҳририят манзилига мактуб йўллашар, деган умиддамиз.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси**

Mushohada

# ОТА-ОНА ҲАҚ-ҲУҚУҚИ

Ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати шу қадар юксакки, буни таърифлашга қалам ожизлик қилади. Инсон зоти борки, беминнат ғамхўрлик, беминнат жонкуярликни фақат ота-онасидан кўради десак, хато бўлмайди. Чунки иккиси ҳам нимаики яхшилик қилган бўлса, бунинг эвазига ундан бирор нарса таъма қилмайди. Шунинг учун фарзанд ота-онага бир умр хизмат қилган тақдирда ҳам ҳақларини адо эта олмайди. Зеро, ота-онанинг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари хусусида сўз кетганда, аввало, фарзанд бунинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олиши лозим. Айниқса, арзимас баҳона туфайли ота-онаси билан тиккама-тикка тортишадиган, табаррук ёшли кексалар ҳурматини ўрнига қўймайдиган айрим ёшларни учратиб қолганда, ота-она ҳақ-ҳуқуқини билиш нечоғлик зарур эканини англаб етасиз. Шу ўринда бундай тошбағир ва бемеҳр фарзандлар ҳаётда қаердан пайдо бўлиб қолди экан, деган савол ўйлантиради.

Оила Кодексининг 110-моддасида **ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади,** деб таъкидлаб қўйилган. Бинобарин, Конституциямизда **"Оила — жамиятнинг асосий бўғини",** дея эътироф қилиниб, оилавий муҳит ва муносабатлар жамият учун нечоғли катта аҳамият касб этиши баён қилинган. Шунингдек, 66-моддада **"вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар",** дейилганда ота-онанинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари қонун тарафидан белгилаб қўйилгани ҳам бунга алоҳида эътибор бериш зарур эканини билдиради.

Халқимизнинг кўп асрлик қадриятларида ҳам ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида аҳамият берилиб, бунга риоя қилган фарзанд бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам саодатманд бўлмоғи уқтириб келинган.

Бир ҳадиси шарифда "Агар Аллоҳнинг илмида ота-онага "уф" дейишдан ҳам кўра ҳурматсизлик бўлганида эди, Аллоҳ ўшандан қайтарган бўларди. Ота-онага оқ бўлган кимса хоҳлаганича амал қилсин, зинҳор жаннатга кирмайди. Ота-онага одам хоҳлаганича яхшилик қилсин, ҳеч ҳам дўзахга кирмайди" дейилади. Шундан ҳам кўринадики, ақли расо фарзанд ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиб олмоғи ва ҳар қачон унга риоя қилиб яшашга ҳаракат қилмоғи лозим. Халқимизда ота рози — худо рози, деган нақл бежиз қўлланмайди. Энг аввало, фарзанд ота-онага яхшилик қилиш уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан бошланишини тўғри англаши керак. Кўпгина фарзандлар ота-онаси ҳузурида ўзини қандай тутиш ва муомала қилиш меъёрларига унчалик аҳамият бермайди. Шу жиҳатдан қараганда, жамият равнақи ва тинч-тотув ҳаёт кечиришимизда ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқларини билиш ва унга риоя қилиш ҳам ўзига хос ўрин тутади. Қачонки бунга етарли даражада амал қилинмас экан, келажакда ҳар жиҳатдан баркамол ва соғлом авлодни яратишда турли муаммоларга дуч келишимиз табиий. Шу маънода ота-онани боққа ниҳол қадаб, уни парвариш қиладиган боғбонга қиёслаш мумкин. Боғбон деярли ҳар куни ниҳолга қараб, унга нима зарур бўлса, муҳайё қилиб туради: сув қуяди, озуқа беради ёки иссиқ-совуқ, хатарли шамолдан ҳимоя қилади. Қачонки у бемалол қаддини кўтариб, томир отгунга қадар боғбон тиниб-тинчимайди. Баъзан эса ниҳол у ёқ-бу ёққа шох ташлаб, эгри ўсишни бошласа, дарҳол қайчи билан бутаб қўяди. Ниҳол бир куни ҳосилга кириб, мева берадиган бўлса, боғбон ич-ичидан қувонади ва узоқ йиллар чеккан заҳмати зое кетмаганига мамнунлик туяди. Лекин бу ниҳол бир куни аччиқ мева берадиган бўлса, унда ота-онадан кўра уят-иснодга қолган инсон бўлмайди. Чунки бир тарафдан меҳнатига куйса, бошқа тарафдан эл-юрт орасида хижолатдан бош кўтариб юролмайди. Бир донишманднинг "Инсон бошида учта кулфат мавжуд: ўлим, қарилик ва ёмон фарзанд", деган сўзи ҳақиқатан ҳам тўғри. Чунки фарзанднинг феъл-атвори, одоб-ахлоқи ва табиатини ота-оначалик мукаммал биладиган зот йўқ. Шунинг учун фарзанд таълим-тарбиясида ота-онанинг хизмати энг тажрибали мураббийга қараганда ҳам юқори ўринни эгаллайди. Шу боис ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари болалар қулоғига кичкиналигидан қуйиб борилса, улар келажакда аччиқ эмас, балки лаззатли мевалар инъом қилади.

Баъзи оилаларга бориб қолсангиз, ота-онаси бир томонда қолиб, сизга фарзанди жавоб қайтаради. Айрим оилалар фарзандини шу даражада талтайтириб юборганки, у бемалол ота-онасини сўкади, ҳақорат қилади ва кўнгли тусаган ишни қилишга мажбурлайди. Бундай фарзанд ота-онаси кексайганда уларнинг кўнглига қараб, хизматини қилармикан, деб ўйлаб қоласиз. Ваҳоланки, айрим одоб-ахлоқ қоидаларига кўра ота-она ҳузурида изнсиз гапириш, кўчада уларнинг олдида ёки ўнг ва чапда юриш ярамайди, балки ортидан юриш керак, дейилган. Бундан ташқари, фарзанд ҳар қанча хизмат қилган тақдирда ҳам ота-онаси ҳақини адо эта олмас экан.

Бир киши Пайғамбаримиз ҳузурларига келиб: "Ё Расулуллоҳ, онам менинг олдимда эси яримта бўлиб қолди, мен қўлим билан уни овқатлантираман, сув ичираман, таҳорат қилдираман, елкамда кўтараман. Унинг ҳақини адо қила олдимми?", — дея сўраганда, Пайғамбар бунга шундай жавоб қилган эканлар: "Йўқ, юздан биттасини ҳам адо қилганинг йўқ! Лекин сен яхши қилаяпсан, Аллоҳга қасамки, озгина нарсага кўп савоб олгайсан!"

Афсуски, дунёқараш ва таълим-тарбияси бузилган айрим фарзандлар кекса ота-онасига бир бурда нонни ҳам таъна қилиб тутқазади ва ҳатто кўчага ҳайдайди. Шундай ноқулай ҳолга тушган ота-она бу дунёда фарзанд кўриб, уни тарбиялаб вояга етказганига афсус ва пушаймонлик чекмасмикан? Ҳатто ота-онасини ранжитиб, дилини оғритиб қўйганда ҳам фарзанднинг буни ўзига оғир олиб, ота-онасидан юз ўгириб юриши ёки ҳолидан хабар олмасликка ҳаққи йўқ. Баъзи кексалар ота-онанинг дуоси тошни ҳам кесади, деганда кўпроқ бунга ноил бўлган фарзанднинг ҳеч қачон кам бўлмаслиги ва ҳар бир ишида барака бўлишини назарда тутган бўлишса керак. Хусусан, кийимга муҳтож бўлса, кийдирмоғи, оч қолса, овқатлантирмоғи, фарзанд хизматига муҳтож бўлса, хизмат қилиши, чақирган пайтда "лаббай" деб жавоб бериши ва ҳозир бўлиши, бир ишга буюрса, итоат қилиши, юмшоқлик билан муомала қилиши, қўполлик қилмаслиги, отини айтиб чақирмаслиги, ўзига нимани раво кўрса, уларга ҳам ўшани раво кўриши, оламдан ўтганда ортидан мағфират сўраб дуо қилмоғи ана шу ҳақлар сирасига киради. Шунингдек, ота-она тириклик пайтда ким билан боғланган бўлишса, ўшалар билан алоқани узмаслик ва иложи бўлса, уларга ҳам яхшилик қилиши бизда қадимдан урф-одат тусини олган. Айрим фарзандлар ота-онаси кексайиб, куч-қувватдан қолгандан кейин ўзи яшаб турган ҳовлининг чеккасидан кўримсизгина уй-жой қилиб беради. Ота-она шунисига ҳам шукр қилиб, кўчага ташлаб қўймагани учун фарзандини алқаб яшайверади. Лекин шу ҳам ота-она ҳақини тўғри англамаслик натижасида юзага келиб қолган. Бир танишим қишлоғида саксондан ошган кекса кишининг олтмишни қоралаган, соч-соқолига оқ тушган ўғли борлигини айтиб берган. У ўғлини ҳалиям баъзан "аҳмоқ, шунга ҳам ақлинг етмайдими", деган алфозда унга ёш боладек муомала қилар ва дакки-дашном берар экан. Ўғил эса буни сира кўнглига олмас, отасининг олдида доим миқ этмай бошини қуйи эгиб ўтирар ва танбеҳ эшитгандан сўнг уйдан индамай чиқиб кетар экан. Буни эшитиб, аввал шу ёшга кирган, бола-чақали, невара кўрган қарияни ҳам шунчалик уришиш шартмикан, деб ҳайрон бўлганман. У отасига шу ёшда гап қайтарса нима қилибди, деган ўй-фикр хаёлимдан ўтган. Бироқ кейин-кейин бунинг маъносини тушундим. Бир файласуф: "Болалар йигирма ёшгача ота-онасини севадилар, йигирма беш ёшда уларни қоралайдилар, сўнгра эса кечирадилар", деган экан.

Ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари хусусида қанча кўп гапирилса ҳам, шунча оз. Дарҳақиқат, бобокалон шоиримиз Алишер Навоий бир байтида лўнда қилиб шундай деган:

**Бошни фидо айла ато қошиға,**
**Жисмни қил садқа ано бошиға.**

Ҳа, фарзанд ота-онаси атрофида қанчалик айланиб-ўргилса ҳам, уларга жон фидо қилса ҳам, бу ҳақни адо этиш учун камлик қилиши муқаррар.

**Бобомурод ЭРАЛИЕВ**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ.

# НАФС "ДАРВОЗА"СИ ЁПИЛДИ

"Дарбанд" йўл патрул хизмати маскани "Амир Темур дарвозаси" билан туташ, яъни атрофи баланд тоғлар билан ўралган. "Амир Темур дарвозаси"дан тепаликка чиқсангиз, тошқалама пистирмага дуч келасиз. У ерни "дурбан", яъни узоқни кўрадиган жой дейишади. Айтишларича, буюк саркарданинг жангчилари ана шу дурбан ичидан туриб, кичик-кичик тешиклар орқали атрофни сергаклик билан кузатиб туришаркан. Чунки бу ердан узоқ-узоқлардаги ҳар қандай ҳаракатни кузатиш мумкин. "Дарбанд" ЙПХ ходимлари ҳар куни бу ердан ўтадиган минглаб машиналарни назоратдан ўтказишади. Негаки, улар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилган. Чунки аср вабоси бўлган гиёҳвандлик воситалари Сурхон воҳаси, Туркманистон, Афғонистон, Тожикистон томонлардан олиб ўтилиб, "Дарбанд" ЙПХ масканига етиб келади.

Июль ойининг ўрталари. Туш пайти. Ҳаво ҳарорати анчайин баланд. Эрталабдан тоғ қояларига уриладиган қуёш нури таъсирида тошлар қизиб, ҳаво ҳароратни янада кўтарилган. Катта сержант Ботир Абдуллаев тўсиқ олдига келиб тўхтаган "Ваз-2109" русумли автомашинадаги йўловчиларнинг ҳужжатларини назоратдан ўтказаётган эди. Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган йўловчининг безовталиги ҳамкасбининг ҳаракатларини кузатиб турган ЙПХ маскани катта сержанти Комил Нормаматовнинг диққатини тортди. Комил унинг кўзлари негадир безовта алангалаётганини сезиб, машинага яқинлашди ва ҳозиргина паспортини ҳамкасби қўлидан олган йўловчига мурожаат қилди:

— Ака, узр, айбга буюрмайсиз. Мен билан хизмат идорасига кирсангиз. Холислар гувоҳлигида назоратдан ўтказишга тўғри келмоқда,— деди самимийлик билан.

— Э, ука, мана, ҳозир анаву шеригинг текширди-ку. Яна нимани текширасан! Биз ҳам шу мамлакатнинг фуқаросимиз. Четдан келаётганимиз йўқ-ку!— дея йўловчи норози оҳангда дўқ-пўписага ўтди.

— Узр, ака, хизматимиз шуни тақозо этади. Мен билан бирга юрсангиз, — деб ўз сўзида қатъий турди катта сержант Комил Нормаматов ҳам.

— Эй, ўз юртингда ҳам тинч қўйишмайди, булар. Нимани ҳам текширади, ҳайронман, — деди норозилик билан машинадан тушган йўловчи, асли Хоразм вилоятининг Хива тумани, Огаҳий номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 26 ёшли Олтибой Турғунов.

У холислар иштирокида назоратдан ўтказилгач, Комил Нормаматов:

— Касалхонага боришингизга тўғри келади. Шифокор иштирокида сизни назоратдан ўтказишимиз зарур, — деди.

Шу лаҳзада бирдан боягина дўқ-пўписа қилаётган йўловчининг ранги ўзгариб кетди. Шифохона ЙПХ масканидан ўн километрча нарида жойлашган. Машинага ўтиргач, йўловчи бирданига жонсарак тилга кирди:

— Ука, нима қиласиз уларни ҳам овора қилиб. Келинг, яхшиси, ишни шу ерда тинчитайлик. Оғзингизга сиққан нархни айтинг. Нақди билан тўлайман.

— Шифохонага бориш керак дедим-ку! Бошқа гап бўлмаслиги лозим. Текширамиз, ҳеч нарса бўлмаса, йўлингиздан қолмайсиз, ака. Ортиқча гапга ўрин бўлмаслиги керак. Буни яхшилаб тушуниб олинг.

Шундай қилиб, шифохонада "бемор" Олтибой Турғуновнинг тўғри ичагида 2 та пенисиллин идиши борлиги аниқланди. Экспертиза О.Турғуновдан олинган 20 грамм 800 миллиграмм модда "героин" гиёҳвандлик воситаси эканини тасдиқлади. Айни кунларда суриштирув ишлари якунланиб, иш судга оширилди.

— Орадан бир ҳафта ўтгани йўқ, — дейди катта сержант Комил Нормаматов биз билан суҳбат чоғида. — 28 июль куни эди. Соат ўн тўртлар чамаси. Узоқдан қизил рангдаги "Нексия" русумли автомашина кўринди. Йўловчилар ва ҳайдовчининг ҳужжатларини текширар эканман, орқа ўриндиқда ўтирган ёши элликлар атрофидаги кишининг кўзлари негадир бесаранжом боқаётганини сездим. У менга тик қарай олмай машина ойнасидан атрофга безовта нигоҳ ташларди. Саволларга ҳам негадир узуқ-юлуқ жавоб қайтарарди.

— Қаерга бораяпсиз?— сўрадим ундан.

— Бухорога, ука. Деновда бир танишим бор эди. Ўшани кўриб келаяпман.

— Мен билан хизмат хонасига ўтсангиз. Назоратдан ўтишингизга тўғри келади.

— Яна нимани текширасиз? Ҳужжатларим жойида бўлса, йўлдан қолдирманг, ука!

— Хизматчилик. Бирга юришингизга тўғри келади, ака. Мени тўғри тушунинг.

У ҳам худди ўтган ҳафтада қўлга тушган йўловчи ҳолатида эди. Шифохонада Бухоро шаҳар, Гусарский кўчасида истиқомат қилувчи Шайдулла Сафаровнинг орқа тўғри ичагида 2 дона елим халтага ўралган 32 грамм "героин" воситаси борлиги аниқланди.

Милиция катта сержанти Комил Нормаматов ҳарбий ҳаво десантчилари қисмида хизмат ўтагач, мана саккиз йилдирки, ички ишлар бўлимида масъул вазифани бажармоқда. У ўтган икки йил давомида "Дарбанд" ЙПХ масканидаги навбатчилик пайтида юз нафардан ортиқ гиёҳвандлик воситаларини яширинча олиб ўтишга уринган ғараз ниятли кишиларни қўлга тушириб, хизматдошлари орасида обрў қозонди.

— Гиёҳвандлик билан ҳаром пул ишламоқчи бўлганлар нималарни ўйлаб топмайди дейсиз, — дея суҳбатни давом эттирди у.— Сумка тўла ёнғоқлар ичига жойлаштирилган "героин", аёлларнинг ички органларига беркитилган заҳри қотил, машиналарнинг кўз илғамас жойларидаги жиноятчиликлар дейсизми... Айтаверса, гап кўп. Ўтган йили "Нексия" автомашинасида ўтирган бир аёлни қўлга туширдик. Асли хоразмлик бўлган Зубайда Комилжонова аввалига сир бой бермай турди. Машинани синчиклаб кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойида. Лекин негадир кўнглим тинчимади. Нимадир бордай туюлди назаримда. У ёғини кўрдим, бу ёғини кўрдим. Ҳеч вақо йўқ. Машинадагилар бепарво ўтиришарди. Улар олдида хижолат бўлдим. Энди кетишга рухсат бермоқчи эдим, беихтиёр кўзим ҳайдовчи ва йўловчи ўтирган ўриндиқ ўртасидаги термосга тушди. Термосни олиб кўриш нияти билан қўл чўзгандим, йўловчилардан бирининг бирданига ранги ўзгариб қолди. Бир аёл билагимдан маҳкам ушлаганича:

— Э, термоснинг нимасини текширасиз. Ичида қайноқ сув бор, — деб қолди. Унинг овозида аллақандай хавотирлик бордай эди. Текширдим. Қарийб бир килограмм "героин" термос ичидаги сирланган колба билан унинг қутиси оралиғидаги колбага оддий шар ичига бўлаклаб, жойлаштирилган экан...

Ҳозиргина устимдан беписандларча кулиб турган ҳалиги аёлнинг аҳволини бир кўрсангиз эди. Аёл устидан суд бўлди, тегишли жазосини ҳам олди...

"Дарбанд" ЙПХ маскани йирик назорат манзили ҳисобланади. Ҳар куни бу ердан тўрт мингдан ошиқ автоулов ўтади. Уларни синчиклаб назоратдан ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Ички ишлар бўлими катта сержанти Комил Нормаматовдек сергак посбонлар эса "героин"дек хавфли юкларни тутиб қолишда фидойилик билан меҳнат қилишиб, ўзларига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажаришда намуна бўлишаяпти.

**Ўз мухбиримиз**

Asr vabosi

# ХОТИРЖАМЛИК — ҲАЛОЛЛИКДА

Ҳаёт ҳар кимга турли шодлигу машаққатлари билан намоён. Бирда ким учундир азизлигингизни билиб шодлансангиз, бирда ким учундир "салбий инсон" бўлиб кўринаётганингиз ич-этингизни тилкалайди...

Янгиер шаҳрилик Любовь Кадырова саҳарлаб уйидан чиқиб кетар экан, турли ўй-хаёллар билан темир йўл бекатига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Кўз ўнгида болалари — энди бир ёшга қадам қўйган кенжатойи — "опалари йиқитиб қўйишмасмикан ишқилиб , ўз вақтида овқатлантиришармикан?... Дадасининг шу бегуноҳларга ҳам раҳми келмади. Оиласига бош бўлиб турганида болалар ҳам, мен ҳам бунчалик азоб кўрмасдикми?!

Уни ана шундай адоқсиз саволлар қийнар эди. Ахир, етти кишилик рўзғор "залвори" ёлғиз аёлга, табиийки, оғирлик қилади. Электричка темир йўл бўйлаб елдек учиб борарди. Ногоҳ ташвиш-у ғамдан ҳорган Любовьнинг эътиборини олдинги ўриндиқ тагида ётган тўртбурчак шаклдаги, полиэтилен пакетчага ўралган қандайдир нарса ўзига тортди. Ва у нигоҳи тушган заҳотиёқ "пакетга ўралган пул бўлса керак", деб ўйлади. Қайсидир бекатда олдинги ўриндиқда ўтирган одамлар тушгач, аёл пакетни шоша-пиша сумкасига солиб қўйди. Сўнгра бироз виждони қийналаётган бўлса-да, ҳеч нима кўрмагандай электричкадан тушди.

Любовь болаларига имкон қадар ҳалол едирар эди. Лекин у ҳам "бир маротаба муҳтожликдан гуноҳ иш қилсам, фарзандларим ҳаққи, мени кечириб юборишар", дея ўзини оқлашга уриниб кўрди.

Уйга келгач, ҳаяжон билан топиб олган матоҳини очиб қараса, 21 дона полиэтилен плёнка бўлакчаларига ўралган оқиш рангли модда экан. Аввалига, у азбаройи қўрқиб кетганидан топилмани ташлаб юбормоқчи ҳам бўлди. Лекин негадир яна фикридан қайтди.

Май охирлаб қолган кунларнинг бирида Любовьларникига хабар олиш учун жияни Баҳром Темиров келди. Аёл унга дилидагини ёрди.

— Баҳромжон, менинг қўлимга тасодифан озроқ героин тушиб қолди. Шунга харидор топиб бера олмайсизми?

— Қаранг-а, бу жуда қимматбаҳо "мол"ку. Майли, мен қараб кўраман...

Орадан ҳафта ўтиб, Баҳром яна кириб келди:

— Кеннойи, героинингизга 1300000 сўм ёки 1000 долларга харидор топдим. Харидорга бир бўлак бўлса-да, намуна керак...

Аёл роса хурсанд бўлди. Чунки бу нарса унинг учун кутилмаган даромад эди-да.

Эртаси тушга яқин яна Баҳромнинг бир ўзи уйга кириб келди:

— Героинни беринг, харидорлар кутяпти... — деди у.

— Пулни олмагунимча уни бермоқчи эмасман, — деди аёл.

Орадан кўп вақт ўтмасдан Баҳром яна "мол"ни сўраб ялинди. Ва тағин рад жавоби олиб қайтиб кетди.

Любовь болалари билан тушлик қилгач, ҳовлини супуриб-сидираётган пайт Баҳром тўрт нафар фуқаролик кийимидаги одамлар билан кириб келди:

"Ахир, булар милиция ходимлари-ку!..." Любовь хаёлига ярқ этиб урилган фикрдан гангиб қолган бўлса-да, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди.

— Кеннойи, Жаҳонгир исмли танишимиз топган харидорлар милиция ходимлари эканлиги кимнинг хаёлига келибди дейсиз? "Қопқон"га мен билан ўртоғим Руслан тушдик. Сизларга ҳеч зиён етмайди. Бир чимдим "намуна" билан бизнинг тақдиримиз ҳал бўлар экан, энди героинни беришингиз керак, — деди ўкинч билан Баҳром.

— Йўқ! Менда ҳеч қанақа героин йўқ!.. Йўқ!..

Любовьнинг изтироб билан айтилаётган бу сўзлари энди вазиятни ўзгартира олмасди. Аммо у яна бир уриниб кўрди. Болалар хонасида ётоқ устидаги пакетни олиб, қизи Турсунойга тутди:

— Укангни пинжига мана буни қистириб, тезроқ узоқроққа ғойиб бўлинглар, — дея орқа эшикдан қўшни тарафга чиқариб юборди. Аммо ички ишлар ходимлари ҳам "анойилардан" эмас. Улар Турсунойнинг ортидан бориб уларга қўшни яшовчи Татьяна исмли аёлнинг хонадонидан героинни қўлга киритишади. Ашёвий далил ички ишлар ходимлари томонидан суд кимёвий экспертизасига жўнатилади. Текширув хулосасига кўра, модда кўп миқдорда, 200 граммдан иборат бўлган гиёҳвандлик воситаси эканлиги тасдиқланади.

Шундай қилиб, фуқаролар Қодирова Л., Темиров Б. ва Сманов Р. лар бир гуруҳ бўлиб гиёҳвандлик воситасини сотиш учун қилган ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга асосан, охирига етказа олмадилар.

Ҳаёт азалдан мураккаб яралган. Аммо бу мушкулотни ечмоқ учун тўғри йўллар ҳам мавжуд. Агар ҳаёт синови аталмиш зарбани "муҳтожликдан..." дея, оёқ остида дуч келган ғараз-у ноқонуний ишларни қилаверсак, келажагимиз қандай бўлишини кўз ўнгингиздан бир ўтказингчи? Шу ўринда фикрни бир муборак ҳадис-у шариф билан якунласак:

— Ҳалол ҳам аниқ, ҳаром ҳам аниқ. Икковининг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар унинг аниғини билмайди. Шундай ҳолда кимки шубҳалардан сақланса дилини ҳам, обрўйини ҳам, хотиржамлигини ҳам сақлайди.

**Лайло НАЖМУЛЛО**
**Гулистон шаҳри**

**ЭЪЛОН**

**Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси В. К. Агзамходжевага берилган 000077-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг буйруғига асосан бекор қилинди.**

**ЭЪЛОН**

**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Шодиева Юлдуз номига берилган KS 000029-сонли адвокатлик фаолияти кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензия — вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг қарорига асосан бекор қилинганлигини маълум қилади.**

**Адлия Вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Носир Абдураҳмоновга онаси**
***ПОНИСА аянинг***
**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-721. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.